

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. I. 15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЁЗИЕВ ҒОЛИБЖОН ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ
ИННОВАЦИОН РИВОЖИДАГИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ (ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИ
ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти,
08.00.09 – Жаҳон иқтисодиёти.**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt227 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ҳамда «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шодиев Рустам Ҳамидович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Расмий оппонентлар:	Шарифхўжаев Шовкат Оқилович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Исаев Равшан Абдурахмонович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.1.15.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 2375325; факс: (99871) 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 2375325; факс: (99871) 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.Ғ.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги муҳим йўналишлардан бири – иқтисодий ривожланишда инновацион йўлдан бориш ҳисобланади. Осиё-Тинч океани (ОТО) минтақаси мамлакатларининг иқтисодиётни ривожлантиришда қарийб 20-30 йилдан буён инновацион йўлдан бораётганлиги, кейинги йилларда эришаётган ютуқлари ушбу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва шу аснода тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўла олади. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ушбу мамлакатлар инновацион салоҳиятининг устувор таркибий тузилмаси ҳисобланади. Буни рақамлар билан ифодаладиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши АКШда 50 фоиз, Японияда 55 фоиз, ХХРда 60 фоиз, Индонезияда 59 фоиздан зиёдни ташкил қилади, ушбу соҳанинг қилинган ихтиролар учун олинган барча патентлардаги улушида мос равишда 60 фоиз, 70 фоиз, 66 фоиз ва 48 фоизни ташкил қилади¹.

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида мамлакат инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда кейинги даврда илмий-техник инқилобнинг юз бериши иқтисодиётнинг тизимли ориентациясининг ўзгаришига олиб келганлиги; илмий-техник тадқиқот натижаларидан фойдаланиш интенсив такрор ишлаб чиқаришга ўтишни таъминлаганлиги; жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви эса ўзининг кўплаб афзалликларига қарамадан рақобат, мавҳумлик ва таҳликанинг кескинлашувига олиб келганлиги – янги иқтисодий формацияни вужудга келтирди. Шунга кўра, янги – инновацион иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик унинг муҳим элементларидан бирига айланиб, мазкур соҳада инновацион лойиҳалаштириш, замонавий инновацион менежмент, инвестицион муҳитини яхшилаш, илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, илмий-техник ишланмаларни яратиш ва сотишда ресурсларни жамлаш ва йўналтириш каби муаммоларни тадқиқ этиш бу борадаги илмий тенденцияларни намоён этади.

Ўзбекистонда кейинги йиллардаги жадал ўзгаришлар шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион йўлдан боришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, “Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”². Иқтисодиёт соҳасига шиддат билан кириб келаётган инновацион жараёнлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

¹ https://www.sba.gov/sites/default/files/rs390tot_1.pdf; http://statistics.gov.my/portal/download_journals/files/2014/Volume1/The_Challenge_in_Measuring.pdf, 42 p.; <http://www.oecd.org/site/seao/Pocket%20Edition%20SAEO2014.pdf>; <http://www.oecd.org/cfe/smes/adb-oecd-study-enhancing-financial-accessibility-smes.pdf>, 3 p., Global Innovation Index, 2014; <http://knoema.ru/GII2014/global-innovation-index-2014?country=1001300-togo&indicator=1000530-microfinance-institutions-gross-loan-portfolio>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. – www.uza.uz

субъектлари олдига ҳам янгидан янги ғоялар яратиш, янги тизим ҳамда янги технологиялар татбиқ этиш, уларни инсоният фаолиятининг турли соҳаларига жорий этиш каби вазифаларни қўяди. Шунга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб қиладиган ишлаб чиқаришда, инновацион ва нанотехнологияларда фойдаланишдаги улушини орттириш зарур бўлиб, бунда хориж мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатларига А.Смит, Ж.Б.Сэй, Р.Кантильон, А.Маршалл, Ж.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, М.Лапуста, Ф.Хамидуллин, Р.Андерсон, Р.Коуз, С.Кэмпбелл-Хант, С.Линделл, Ж.Вальн, С.Четти, Г.Гарвен, Н.Карагазоглу, Ж.Йохансон, Л.Хоскинг, П.Жулиен, Р.Лоустаринен, Ф.Майт, Ф.Фон каби хорижий олимларнинг илмий изланишлари бағишланган³. Н.Мончев, И.Перлаки, В.Хартман, Э.Мэнсфилд, Р.Фостер, Б.Твист, Й.Шумпетер, Э. Роджерс,

³ Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.; Маршалл А. Принципы политической экономии. Т. – 1. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.; Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство-М.: Инфра-М, 1997. – С.87.; Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // Проблемы современной экономики, №3(19), 2007.; Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий // Вестник Московского университета, сер. 6. Экономика, №4, 2006. – С.32-43.;

Э.Р.Худайбердин, О.А.Писаренко, Э.В.Ягудина, Н.А.Масленников, А.С.Круглова, Л.А.Незнамова, каби кўпгина хорижий олимларнинг илмий изланишлари эса кичик бизнесда инновациялар мавзусига оид⁴.

Маҳаллий олимлардан У.В.Гафуров, Ҳ.О.Раҳмонов, С.К.Салаев, Н.Қ.Муродова, А.Б. Қурбонов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Кулматов, М.А.Гулманов, А.Ч.Бобоев, А.С.Карапетов, А.Т.Ахмедова, С.С.Агзамходжаев, Г.К.Султанова, Ш.Г. Юлдашев ва бошқалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг баъзи аспектиларини ёритишган бўлса Р.Ҳ.Шодиев, А.В.Вахабов, Н.Сиражиддинов, Исаджанов, А.Алимов каби олимлар ОТО минтақаси мамлакатлари таж А.А.рибаларини тадқиқ этишган⁵

Аmmo юқоридаги олимларнинг тадқиқотларида мамлакатнинг инновацион ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салоҳиятни ошириш механизмлари етарлича ўз аксини топмаган.

Юқоридаги фикрлар ҳамда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш йўллари етарлича ўрганилмаганлиги, қолаверса, мамлакатимизда ушбу муаммони ҳал этишнинг долзарблиги илмий изланиш мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ “Жаҳон хўжалиги глобаллашувининг замонавий босқичида Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг инновацион ривожланиши тенденциялари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

⁴ Shumpeter Y. Business Cycles. Vol. 1, 2. New York, 1939.; Alistair R. Anderson, Sarah Drakopoulou Dodd, Sarah L. Jack Entrepreneurship as connecting: some implications for theorising and practice. Management Decision, Volume: 50 Issue: 5, 2012; Coase R. H. The Nature of the Firm. Economica, New Series, Vol. 4, No. 16. (Nov., 1937), pp. 386-405; Э.Р. Худайбердин Роль малого инновационного бизнеса в становлении нового технологического уклада и инновационной системы / диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Санкт-Петербург 2004 г.; О.А.Писаренко Развитие инновационной деятельности предприятий малого и среднего бизнеса / диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Москва 2013 г.; А.С.Круглова Формирование механизма инфраструктурного обеспечения малых инновационных предприятий / диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Санкт-Петербург 2009 г.; Л.А.Незнамова Методы формирования и развития инновационного потенциала промышленных предприятий малого бизнеса / диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Санкт-Петербург 2006 г.;

⁵ Гафуров У.В. / Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш / докторлик диссертацияси, Тошкент, 2017 й.; Раҳмонов Ҳ.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Бухоро вилояти мисолида) / докторлик диссертацияси, Тошкент, 2010 й.; Карапетов А.С. Формирование и развитие сети бизнес-инкубаторов в Республике Узбекистан / номзодлик диссертацияси, 2004 й.; Шодиев Р.Ҳ. Жаҳон иқтисодиёти / дарслик // ЖИДУ, 2006. 34-44 б.; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон амалиётида инновацион ривожланиш тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг айрим жиҳатлари // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2016, 11. 2-10 б.; Сиражиддинов Н. Экономическая политика в Малайзии после обретения независимости и ее результаты // Экономическое обозрение. 2003, № 8.; Исаджанов А.А. Государственная поддержка малого бизнеса в Узбекистане // ЭКО. 2000. N 12. - С. 145-153.

Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривождаги салоҳиятини ошириш борасида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион ривожланишдаги ролини оширишнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш;

бизнес муҳитини яхшилаш ва инновацион сиёсатни такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

эконометрик модель асосида танланган давлатларнинг миллий инновацион тизим (МИТ)лари самарадорлигини ҳамда унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини аниқлаш;

инновацион кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

инновацион кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш меҳназмларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этиш;

иқтисодиётни инновацион ривожлантириш соҳасида республикамиздаги мавжуд муаммоларни очиб бериш;

Ўзбекистон миллий инновацион тизимини таркибан такомиллаштириш ҳамда унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салоҳиятини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатлари (АҚШ, Япония, ХХР, Индонезия ва бошқалар)нинг инновацион ривожланиш тажрибаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатнинг инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, танлаб тадқиқ қилиш, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, умумлаштириш, қайта ишлаш, синтез усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион маҳсулотлар экспортини ривожлантириш мақсадида бизнес субъектлари учун венчур фондларни ташкил этишни рағбатлантириш йўллари асосланган;

корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича процедуралар сонининг қисқартирилган тизимини жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида аутсорсинг асосида фаолият олиб боровчи илмий марказларни ташкил этиш орқали кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацияларни жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш мақсадида эскирган технологиялар импортига тўсиқлар ўрнатган ҳолда хорижий ишлаб чиқариш корпорациялари ва илмий тадқиқот марказларининг мамлакатга киришини рағбатлантириш билан боғлиқ “йўл харитаси” таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ОТО минтақаси давлатлари ва Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичларини DEA модели орқали таҳлил этиш натижасида уларнинг миллий инновацион тизимлари самарадорлиги баҳоланди;

инновацион фаолликни оширишнинг иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган, хусусан, ҳудудларда инновацион кластерларни ташкил этиш бўйича берилган таклифлар ҳудудларни ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурларини амалга оширишда қўлланилиши мумкин;

бизнес муҳитини яхшилаш борасида ОТО минтақаси мамлакатларида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлили натижасида ишлаб чиқилган таклифлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожини учун муҳим бўлган бизнес муҳитини яхшилашга хизмат қилади;

мамлакатда инновацион экотизим яратиш каби бир қатор таклифлар юртимизда фан ва технологиялар сиёсатини ташкил этиш ва такомиллаштиришда қўл келади;

МИТни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги фикр ва хулосалар Ўзбекистон Республикасининг МИТни шакллантириш ва ривожлантиришда инобатга олиниши ижобий самара беради;

юртимизда илмий билимларни тижоратлаштиришга доир камчиликлар аниқланиб, уларни такомиллаштиришнинг хорижий тажрибаси келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган илмий ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат инновацион ривожига салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларига оид назарий-методологик аппаратлар ва илғор хориж тажрибасидан фойдаланишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида инновацион салоҳиятни оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланишга доир ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатлар, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат инновацион ривожига салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар асосида:

Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатлари тажрибалари асосида Ўзбекистонда бизнес субъектларини рўйхатга олишни осонлаштириш ва

молиявий энгиллаштирилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг 2018 йил 17 октябрдаги СС-В-02/06-4065-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижроси таъминланди;

кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацияларни жорий этишда олий таълим муассасалари билан аутсорсинг асосида илмий марказларни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2018 йил 3 октябрдаги 11/ЖУ-20-10050-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3466-сон Қарори ижросини таъминлаш учун хизмат қилди;

бизнес субъектлари томонидан венчур фондларини ташкил этиш асосида инновацион маҳсулотларни яратиш орқали экспортни ривожлантириш асослари тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2018 йил 3 октябрдаги 11/ЖУ-20-10050-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон Қарори ижросини таъминлаш учун хизмат қилди;

Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш қиймати ва вақтини қисқартиришга қаратилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг 2018 йил 17 октябрдаги СС-В-02/06-4065-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги ПҚ-3624 Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан миллий журналларда 8 та ва хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза ва тезис, 2 та хорижий конференцияда тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 162 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини оширишнинг илмий, назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда инновацион ривожланиш назариялари ҳамда инновацион иқтисодий сиёсат шаклланишининг асосий босқичлари ва кўринишларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини кўрсатиб берувчи назарий қарашлар ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ролини оширишнинг аҳамиятини очиқ беришга бағишланган бўлиб, бунда илмий билишнинг илмий ва классик мактаблари, эмпирик ва бошқа қатор йўналишлар, тадқиқот олиб борган олимларнинг назариялари ва ғоялари тадқиқ этилиб, уларнинг таҳлиллари амалга оширилган.

Иқтисодиёт илмининг турли йўналишлари ўз йўналишлари доирасида инновация назариясига турли ёндашадилар. Шу сабабли ушбу бобда инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ҳамда инновация назарияси эволюциясининг асосий қонуниятлари кўриб чиқилган.

Инновация назариясининг шаклланиши муаммоларига бағишланган ишлар, авваломбор, Г. Хосперс, Р. Смитс, М. Ларанья, Э. Уараб ва К. Фланаганбларнинг ишларида ўз аксини топган. Герт-Ян Хосперс Й.Шумпетернинг неоклассиклар доирасида юзага келган инновация назарияси ҳақидаги қарашларини таҳлил этган⁶. Руд Смитс инновация тадқиқотларида жараёнли ва тизимли ёндашувчи мактабларни ажратиб кўрсатади⁷. Мануэль Ларанья, Эльвира Уараб ва Кирон Фланаганблар эса мавжуд йўналишларни инновацион сиёсат учун тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан таҳлил қилганлар⁸.

Иқтисодий адабиётларда инновация назарияларини бир бутун сифатида тадқиқ этилган ишлар жуда ҳам кам учрайди. Инновация мавзусининг эволюциясига келадиган бўлсак, муаллиф томонидан ўтказилган адабиётлар таҳлили: 1910-1930 йй. – назариянинг фундаментал асосларининг шаклланиши; 40-60 йй. – аввалги давр таянч инновацион ғояларни ривожлантириш ва батафсил ўрганиш; амалиёт билан боғлиқлиги 70- йй.нинг ўртасидан то ҳозирга қадар бўлган тарихий босқичларга тўғри келишини аниқлаш имконини берди.

Инновация назариясининг пайдо бўлиши тарихан австриялик иқтисодчи Й.Шумпетерга (1883-1950 йй.) бориб тақалади. У ўзининг

⁶ Hospers Gert-Jan. Joseph Schumpeter and His Legacy in Innovation Studies. Knowledge, Technology, & Policy, Fall 2005, Vol. 18. №3. P.20-37.

⁷ Smits Ruud. Innovation studies in the 21st century: Questions from a user's perspective. Technological Forecasting & Social Change 69, 2002, p.861-883.

⁸ M.Laranjaa, E.Uyarrab, K.Flanaganb. Policies for science, technology and innovation: Translating rationales into regional policies in a multi-level setting. Research Policy, 37. P.823-835.

“Иқтисодий ривожланиш назарияси” номли асарида “инновация” атамасига асос солди. Кондратьев цикллари ҳаракатга келтирувчи куч сифатида “техник революция” тушунчасини киритди. У буғ двигателининг ихтиро қилиниши биринчи Кондратьев тўлқинига (1818-1842 йй.), темир йўлнинг ихтиро қилиниши иккинчи тўлқинга (1843-1897 йй.) ва электр двигатели ҳамда автомобилнинг ихтиро қилиниши учинчи тўлқинга (1898-1949 йй.) тўғри келиши бежиз эмаслигини таъкидлайди. Й.Шумпетер ушбу ўзгаришларни инновацион фаоллик ва тадбиркорликнинг гуркираб ривожланиши билан боғлайди.

П.Сорокин ижтимоий-маданий соҳада инновацияларнинг асосини яратди, яъни у – ижтимоий муҳитда инновацион ривожланиш назарияси асосчиси бўлиб, маданият ва жамиятнинг бир нечта турини аниқлаган⁹. Шу тариқа 30 йил давомида инновацион ривожланишнинг фундаментал асослари яратилди.

Инновацион ривожланиш назарияси ривожланишининг кейинги босқичи фундаментал хусусият касб этмайди (40-йиллардан 70-йилларнинг ўраталарига қадар). Аммо инновациялар назарияси ривожланишида жиддий силжишлар содир бўлди. Ушбу даврдаги фундаментал ишларга инглиз олими Ж.Д.Берналнинг “Фан жамият тарихида” (“Science in history”) номли монографиясини келтиршимиз мумкин. Ушбу монографиясида у – илмий, техник ва ижтимоий янгиликлар ўртасида корреляцияни асослаган. Ушбу даврга келиб асосий эътибор инновацияларнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигига қаратила бошланди. Бу борада С.Кузнец Шумпетер ва Берналларнинг ғояларини ривожлантирди.¹⁰

Инновациялар назариясининг замонавий босқичи немис олими Герхард Меншнинг “Технологик пат: инновациялар депрессиядан устун” номли монографиясидан бошланади. У иқтисодий ўсиш ва (таянч янгиликлар пайдо бўлиши оқибатидаги) даврийликни ўзаро боғлашга ҳаракат қилган¹¹.

Рақобат афзалликлари назарияси асосчиси М. Портер ҳам инновация назарияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. У инновациялар ва рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқликни ўрганган¹² ҳамда компаниянинг рақобат афзалликларини унинг инновацияларни жорий этиши билан солиштирган.

Инновация назариялари ривожланишининг учинчи босқичидаги эътиборга молик тадқиқотлар тўғрисида диссертация ишида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу босқичдаги методологик ишлар сифатида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган “Фраскати қўлланмаси” ҳамда ИХТТнинг Евростат билан биргаликда ишлаб чиқилган “Осло қўлланмаси”ни таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатлар фан ва инновациялар статистикаси методологиясига бағишланган илк ҳужжатлар ҳисобланади¹³.

Бозор иқтисодиётининг интенсив ривожланиши ҳамisha тадбиркорлик фаолиятининг фаоллашуви билан ҳамоҳанг бўлиб келган. Шу боисдан ушбу

⁹ Сорокин П. Социальная и культурная динамика. - СПб.: РГХУ, 2000. -300 с.

¹⁰ Kuznets S. Secular Movements in Production and Prices. New York, 1930.

¹¹ Mensch Gerhard. Stalemate in Technology: Innovations Overcome the Depression. Cambridge, Massachusetts, 1979.

¹² Michek E. Porter The Competitive Advantage of Nations, Harvard Busines Review, march-april 1990.

¹³ Frascati Manual Proposed Standard Practice for Surveys on Research and Experimental Development, Paris 2002, 8-p.; Oslo Manual, Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data, Third edition, A joint publication of OECD and Eurostat, 2005, 16-p.

бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва инновацион ривожланишдаги ролини кўрсатиб берувчи назарий қарашлар ҳам тадқиқ этилди:

Й.Шумпетернинг инновациялар назарияси: тадбиркор агар даромад олиш имконини кўрса, инновацион сиёсатни амалга оширади;

И.Кирцнернинг неоавстрия назариясига мувофиқ тадбиркорлик иқтисодий мувозанат ўрнатишни таъминлайди;

Т.Шульц ва М.Кассонларнинг қайта жойлаш ҳамда мувофиқлаштириш назариясига биноан тадбиркор янги ресурслар излашни амалга оширади ва бу ўз навбатида, ресурслар чекланганлиги шароитида уларни қайта тақсимлашни талаб этади;

А.Караянис бу борада синтетик ёндашади ва унга кўра тадбиркорлик назарияси юқоридаги учта назария асосида қурилиши лозим деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, ушбу назариялар бир-бирини инкор этмайди.

Й.Шумпетернинг фикрича, тадбиркорликдан келадиган даромаднинг асосий элементи – бу технологик, тижорат ва ташкилий инновацияларни қўллашнинг самараси натижасидаги иқтисодий даромаддир. Унинг қарашларини австралиялик иқтисодчи олим Ф.Фон Хайек ривожлантирди. Немис тарихий мактаби намояндалари М.Вебер тадбиркорликни фикрлаш қобилияти билан боғлаб, у касб-хунари доирасида доимо қонуний фойда олишга ҳаракат қилади, дейди¹⁴.

Мазкур бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини йўлга қўйишнинг шакл ва усуллари ҳам ёритилди. Чунки, инновацион жараёнлар жадаллашган замонавий иқтисодиётда доимий ўзгаришларга мослашувчан иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш янада долзарб масалага айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда инновацион фаолликни ошириш учун институционал муҳитни шакллантиришда ҳудудларда инновацион кластерларни ташкил этиш энг самарали механизмлардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётни кластерлаш бу қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлган маълум ҳудудларда иқтисодиёт субъектлари фаолиятини мужассамлаштириш сифатида келтирилади¹⁵. Аммо ахборот технологияларининг ривожланиши ва иқтисодий субъектларнинг ўзаро янги шаклдаги алоқаларининг пайдо бўлиши натижасида логистик жараён иштирокчилари (етказиб берувчилар, ҳамкорлар, истеъмолчилар в.х.к)нинг географик яқинлиги ўзининг аҳамиятини йўқотиб бораётганлигини кузатмоқдамиз. Ҳозирги кунда инновацион тармоққа асосланган ва географик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган “виртуал” кластерлар кенг тарқалмоқда.

Кластер тармоқлари, аввало, алоҳида ҳудудларнинг, сўнгра бутун мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширувчи самарали восита бўлиб, кичик корхоналар инновацион кластерларга қўшилиши эвазига фаолиятининг мўътадиллиги ва ишончлилиги таъминланади, мавжуд рақобат устунликлари кучайтирилиб, янгилари ўзлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион кичик бизнес рақобатбардошлигининг ўсишига ижобий таъсир

¹⁴ Weber, Max The Protestant Ethic and "The Spirit of Capitalism" (1905). Transl. by Stephen Kalberg (2002), Roxbury Publ. Co., pp. 19, 35

¹⁵ Алексеева М.Б., Богачев В.Ф., Бойко И.В. Методология реализации кластерного подхода при формировании инновационной экономики России // Инновации, 2007, №11 (109), -С. 84-85.

кўрсатади. Лекин, унинг яққол кўриниб турган самараси ва истиқболига қарамасдан, мамлакатимизда кластер ёндашувини қўллаш ҳажм ва натижалари бўйича ҳозирча оммалашмаган.

Диссертациянинг “**ОТО минтақаси мамлакатларида инновацион сиёсат ва бизнес муҳити таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида ОТО минтақаси давлатларининг мамлакатда бизнес муҳитини яхшилашдаги тажрибаси, Фан ва технологиялар сиёсатининг Хитой иқтисодиёти ривожига таъсири ҳамда DEA модели орқали ОТО минтақаси мамлакатларининг миллий инновацион тизимлари самарадорлигини баҳолаш каби масалалар тадқиқ этилган.

Жаҳон банки томонидан бизнес ва тадбиркорлик учун яратилган муҳитни аниқлашда **DTF (Distance To Frontier – илғорлик чегараси)** кўрсаткичи ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу кўрсаткични ҳисоблаш методологияси ўз ичига: корхонани рўйхатдан ўтказиш, қурилишга рухсат олиш, электр тармоғига уланиш, хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, миноритар инвесторларни ҳимоялаш, солиққа тортиш, халқаро савдо, шартномалар бажарилишини таъминлаш, тўлай олмаслик ҳолатларини ҳал этиш каби индикаторларни олади.

Корхонани рўйхатдан ўтказиш

Янги Зеландияда бизнес бошлаш учун 1 та процедурадан ўтиш, ярим кун вақт ва аҳоли жон бошига даромаднинг 0,3032 % миқдорида маблағ талаб этилади.

1-жадвал

Корхона очишнинг осонлиги бўйича ОТО минтақасининг етакчи давлатлари ва Ўзбекистоннинг дунё бўйича рейтинг (2018 й.)

Мамлакат	Процедуралар (сони)	Муддат (кун)	Қиймати (аҳоли жон бошига даромадга нисбатан)	Минимал устав капитали	Бизнесни бошлашнинг осонлиги	Дунё рейтинг
Янги Зеландия	1	0,5	0,303198	0	99,9	1
Гонконг	3	1,5	1,241174	0	98,1	4
Сингапур	3	2,5	0,556586	0	96,5	10
Австралия	3	2,5	0,694015	0	96,4	11
Ўзбекистон	3	5	3,415587	0	92,1	11
Малайзия	3	4	6,736358	0	95,3	14
Тайвань	3	10	2,117086	0	94,4	22
Корея Респ.	3	4	14,54149	0	94,3	23
Монголия	5	6	1,478972	0	92,5	36
Самоа	4	9	7,971286	0	92,4	39
Россия Фед.	4,4	10,5	1,126429	0	92,3	41
Панама	5	6	6,294001	0	91,9	44
АҚШ	6	5,6	1,131621	0	91,2	49


Манба: Жаҳон Банки маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган, <http://www.doingbusiness.org/data/distance-to-frontier>

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Сингапур, Янги Зеландия, Корея Республикаси ва АҚШ Илғорлик чегараси (ИЧ) кўрсаткичи бўйича энг юқори кўрсаткичли давлатлар каторида. Индонезия, Гондурас, Никарагуа, Комбоджа, Ҳиндистон, Палау, Папуа-Янги Гвинея ва Бангладеш энг паст кўрсаткичга эга давлатлар гуруҳини ташкил этишди.

ИЧ кўрсаткичи бўйича ОТО минтақаси етакчи давлатлари орасида бўлишига қарамасдан АҚШнинг корхона очишнинг осонлиги бўйича кўрсаткичлари паст бўлиб, мазкур давлатда бизнесни бошлаш учун 6 та процедурадан ўтиш, деярли 6 кун вақт ва аҳоли жон бошига даромаднинг 1,132% миқдоридаги тўловни амалга ошириш талаб этилади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, буерда асосий кўрсаткич процедуралар сони ва корхонани рўйхатдан ўтказиш муддати ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, деярли барча давлатлар юқорида келтирилган кўрсаткичларни минималлаштиришга ахборот технологияларини жалб этиш орқали эришмоқда. Масалан, Корея Республикасида “one-stop shop” ва “start-biz” онлайн рўйхатдан ўтказиш тизимларининг жорий этилиши рўйхатдан ўтиш процедуралари ва муддатининг қисқартиришига олиб келди.

Ўзбекистонда бизнесни бошлаш учун 5 кун вақт ва 3 та процедурадан ўтиш талаб этилади (1-расм). Бу борада аввалги йиллар билан солиштирилганда анча ривожланиш кўзга ташланади. Аммо ОТО минтақаси давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, корхона очишни янада оптималлаштириш мумкин деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда корхона очишнинг 1-процедурасида fo.birdarcha.uz веб саҳифаси орқали онлайн рўйхатдан ўтиш тизимида ЭРИ (электрон рақамли имзо)ни талаб этишдан воз кечиш лозим.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида корхонани рўйхатдан ўтказиш процедуралари, вақти ва қиймати

Манба: “Бизнесни юритиши 2018” ҳисоботи, <http://www.doingbusiness.org/>

Ўзбекистонда корхона очишнинг 3-процедураси бу банкда ҳисоб рақамини очиш бўлиб бунга тадбиркорлар 1 кун сарфлашади. Ушбу процедурани янада оптималлаштириш мақсадида барча банкларда ҳисоб рақами очишнинг онлайн тизимини жорий этиш бу масаланинг замонавий

ечими ҳисобланади. Ушбу тизимга барча банк хизматларини (интернет банкинг, мобил банкинг ва ҳ.к.) киритган ҳолда, солиқ органлари ва Халқ банкига ҳисоб рақами очилганлиги тўғрисида хабарнома юборишни ҳам инobatга олиш лозим.

Ушбу чораларни амалга ошириш Ўзбекистонда корхона очишга кетадиган вақтни 5 кундан 2 кунгача ва процедуралар сонини 3 тадан 1 тагача қисқартиришга олиб келади.

Бизнес муҳити даражасини белгиловчи қолган (9 та) индикаторлар бўйича ҳам диссертация ишида тўлиқ таҳлиллар келтирилган ва улар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирда иқтисодиёт фанида инновацион ривожланишнинг кўплаб назариялари, концепция ва гипотезалари мавжуд. ФВТни ривожлантириш (инновацион) сиёсати давлатнинг асосий фаолияти сифатида етакчи индустриал мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмида, илмий-технологик ривожланишнинг гуркираши ва унинг жамият ҳаётидаги ролининг ошиши асносида шаклланди. Ҳар бир давлат фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида ўзининг инновацион сиёсатини, яъни фан ва технологиялар (ФВТ)ни ривожлантириш ислохотларини амалга ошириб келмоқда¹⁶. Шу боис, ушбу бобда Хитой Халқ Республикаси олиб бораётган фан ва технологиялар сиёсатининг унинг иқтисодий ривожланишига таъсири ҳам тадқиқ этилган.

Хитойнинг 1978 йилда бошланган бир қатор узоқ муддатли фан ва технологиялар (S&T) ислохотлари олий таълим соҳасида, илмий тадқиқот ва ривожланиш (R&D) борасида тараққиётга эришишга олиб келди. Хитойнинг ривожланган мамлакатлар технологияларини имитация қилишга ва уларни саноатга татбиқ этишга асосланган иқтисодиёти 2008 йилдаги глобал молиявий инқироз таъсирида қолди. Ушбу инқироздан чиқиш йўлларида бири сифатида Хитой ички инновацион инфратузилмаларни яратиш ва ички тадқиқот муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тузилмавий иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлини танлади.

Хитой ҳукуматининг мамлакат иқтисодиётини тез суръатларда ривожлантиришга қаратилган бир қатор ФВТ сиёсати босқичларга ажратилган ҳолда тадқиқ этилган. Охириги босқичида Хитой ҳукумати томонидан Миллий ФВТни ривожлантиришнинг 2006-2020 йилларга мўлжалланган узоқ ва ўрта муддатли режаси (2006 йилги миллий режа) қабул қилинган. Ушбу режада ФВТни ривожлантириш тамойиллари: мустақил равишда инновациялар яратиш, юқори технология соҳаларида илғорлик қобилиятларини намоён қилиш, асосий инфратузилмаларни барпо этиш ва келажакда глобал пешқадамликни тарғиб этиш кабилар белгилаб берилган. Аввалги сиёсат ва қонун-қоидаларда мувофиқлаштиришнинг етишмаслиги когерент (изчил) сиёсат остида бирлашишни талаб этди. Натижада ТВРни кўллаб-қувватлашга эмас, балки инновацион экотизимни яратиш эндиликда сиёсий мақсадга айланди.

Инновацион тадқиқотлар доирасидаги истеъдодларни жалб этиш мақсадида Хитой ҳукумати 2011 йилдан бошлаб “Мингта истеъдодни саралаш дастури” (Thousand Talents Recruitment Program)ни амалга

¹⁶ Ғ.Л. Ёзиев, Хитойда фан ва технологияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири. Иқтисодиёт ва таълим / 2017 №2

оширишни бошлади. Ҳозирга қадар ушбу дастур доирасида хорижда фаолият олиб бораётган 2000 дан зиёд хитойлик олимлар ва саноат соҳасидаги инноваторлар Хитойга қайтдилар¹⁷.

2012 йилда Хитой ўз олдига 2020 йилга қадар “энг инновацион миллат” бўлиш мақсадини қўйди¹⁸. 2012 йилнинг охирида бўлиб ўтган Коммунистик Партиясининг 18-Миллий Конгресси “инновацион-бошқарув стратегияси”ни миллий ривожланиш стратегияси сифатида белгилаб берди. Эскирган технологиялар импортига тўсиқлар ўрнатиш билан бир қаторда, хорижий ишлаб чиқариш корпорациялари ва илмий тадқиқот марказларини тузиш рағбатлантирилди. Натижада, юқори технологияли етакчи трансмиллий корпорацияларнинг мамлакатда ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди ва уларда хитойлик муҳандислар ҳамда илмий ходимлар ишлаб, малака оширишларига имкон бўлди¹⁹. Бу эса аниқ мақсадни белгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, саноатга инновациялардан кейинги асосий эътиборни қаратиш, бозор иқтисоди механизмларини (академик соҳадан саноат соҳасига технологиялар трансферини осонлаштириш учун) жорий этишни талаб этди. ФВТ бўйича амалга оширилган ислохотлар ва муаммолар ечими таҳлили диссертация ишида батафсил берилган.

2-жадвал

Айрим ОТО ва ЕИ мамлакатлари ҳамда Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизими самарадорлигини баҳолаш учун танланган кўрсаткичлар

Давлатлар	Кирувчи ўзгарувчилар (inputs)					Чиқувчи ўзгарувчилар (outputs)		
	ОТга харажатлар (ЯИМдаги улуши)	Тадқиқот ва тараққиёт (ТТ)га харажатлар	Тадқиқотчилар сони (хар 1000 кишига)	Олий маълумотли аҳоли (хар 1000 кишига 25-64 ёш)	Аҳолининг Интернетга уланганлик даражаси	Экспорт маҳсулотларида юқори технологияларнинг улуши	WIPO патентлари	Илмий ва техника журналларидаги мақолалар
АҚШ	5	432583000	8,947	176,9	31,4	19,008	526296	412541,5
Хитой	5	344645000	1,973	38,2	30	25,754	1010406	401434,5
Корея Рес.	6	72834000	13,495	174,7	39,6	26,84	238015	58844,1
Япония	7	159218000	10,47	193,7	29,7	16,782	454285	103376,6
Германия	6	99585000	8,223	108,4	37,6	16,661	174109	101073,9
Россия	4	38216000	6,218	216,4	33	13,76	33786	35542,3
Ҳиндистон	4	48308000	3,878	36	26	7,518	23844	93349,4
Индонезия	5	47214000	5,651	130	34	6,972	1174	2927,7
Ўзбекистон	5	126260000	4,865	144,1	30,1	-	305	346,7

Манба: Жаҳон Банки, <http://data.worldbank.org/indicator/TX.VAL.TECH.MF.ZS>; Жаҳон интеллектуал мулк ташиқоти (WIPO), <http://ipstats.wipo.int/ipstatv2/IpsStatsResultvalue>; ИХТТ, <https://data.oecd.org/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁷ Yu Wei and Zhaojun Sun, China: Building an innovation talent program system and facing global competition in a knowledge economy, BRAIN CIRCULATION Volume 2, Issue 1 – 2012.

¹⁸ Yu Zhou, William Lazonick, and Yifei Sun, China as an Innovation Nation, Oxford press, 2016.

¹⁹ Е.А. Жукова Стратегия инновационного развития экономики как основной фактор конкурентоспособности в условиях глобализации, Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2014. 8 (149)

Ушбу бобда айрим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг миллий инновацион тизимлари самардорлиги таҳлиллари ҳам келтирилган. Бунинг учун АҚШ, Хитой, Корея Республикаси, Япония, Германия, Россия, Ҳиндистон, Индонезия ва Ўзбекистон давлатлари танланган. Кирувчи ўзгарувчилар сифатида Тадқиқот ва Тараққиёт (ТТ)га харажатлар, Тадқиқотчилар сони (ҳар 1000 кишига), олий маълумотли аҳоли (ҳар 100 кишига, 25-64 ёшдаги), аҳолининг Интернетга уланганлик даражаси каби кўрсаткичлар олинди. Чиқувчи ўзгарувчилар сифатида эса экспорт маҳсулотларида юқори технологияларнинг улуши, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) патентлари ва Илмий-техник журналлардаги мақолалар сони кўрсаткичлари олинди (2-жадвал).

Кирувчи ва чиқувчи ўзгарувчиларнинг салмоғига қараб DEA модели иккига: Input-Oriented, яъни кирувчи ўзгарувчиларга йўналтирилган (кирувчи ўзгарувчиларнинг чиқувчи ўзгарувчиларга нисбатан кўп бўлганлиги сабабли) ҳамда Output-Oriented, яъни чиқувчи ўзгарувчиларга йўналтирилган моделларга ажралади. Бизнинг маълумотларимизда кирувчи ўзгарувчилар салмоғи юқорилиги сабабли (inputs – 5 та, outputs – 3 та (2-жадвал)), Input-Oriented DEA моделидан фойдаланилди.

3-жадвал

Миллий инновацион тизимлар самардорлиги даражаси

DMU Name	Input-Oriented VRS Efficiency								
		Optimal Lambdas with Benchmarks							
АҚШ	1,00000	1,000	АҚШ						
Хитой	1,00000	1,000	Хитой						
Корея Респ.	1,00000	1,000	Корея Респ.						
Япония	1,00000	1,000	Япония						
Германия	0,87987	0,105	Хитой	0,356	Корея Респ.	0,055	Россия	0,484	Ҳиндистон
Россия	1,00000	1,000	Россия						
Ҳиндистон	1,00000	1,000	Ҳиндистон						
Индонезия	0,92357	0,466	Россия	0,534	Ҳиндистон				
Ўзбекистон	0,86667	1,000	Ҳиндистон						

Манба: DEA Frontier методи орқали Excel дастурида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Германияда олий таълимга қилинган харажатлар самарали натижани бермаяпти (3-жадвал). Модель олий маълумотли аҳоли сонини камайтирмаган ҳолда олий таълимга харажатларни 4 фоизгача туширилганда самарали кўрсаткичга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Танланган давлатлар орасида АҚШ, Хитой, Корея Республикаси, Япония, Россия ҳамда Ҳиндистонда МИТ самарали йўлга қўйилганлиги ва Германия, Индонезия ҳамда Ўзбекистонда МИТ самарали эмаслиги моделда намоён бўлди. Ўзбекистон МИТ самардорлигини ошириш учун экспорт маҳсулотларида юқори технологиялар улушини ошириш лозимлигини кўрсатди. Бундан ташқари, модель олий таълимга ва ТТга қилинган харажатлар ҳам натижаларга нисбатан юқорилигини, шунингдек, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида бўшлиқ мавжудлигидан кўрсатади.

Диссертациянинг **“Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда МИТнинг истиқболли моделини яратиш бўйича концептуал ёндашувлар, кичик корхоналар инновацион фаолиятининг рағбатлантирувчи механизмини яратиш, кичик тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда устувор вазифаларни амалга оширишни рағбатлантириш механизмини модернизациялаш ва хориж тажрибасининг бошқа айрим масалалар ёритилган.

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида илғорлик қилаётган мамлакатлар илмий инновациялар соҳасида янги юксалиш йўлидан бораётган бир пайтда, Ўзбекистон ҳам иқтисодиётни модернизация қилишнинг инновацион йўлига қисқа муддатларда ўтиб олишга интилмоғи керак. Бунинг учун фан-техника комплексини бозор шароитларига мослаштириш асосида миллий инновацион тизимни шакллантириш, илм-фан, технология ва техникани ривожлантиришнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш, фундаментал фанларни, энг муҳим амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни илдам ривожлантириш, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ундан самарали фойдаланиш йўлидан бориш зарур бўлади.

Шу билан бирга, халқаро илмталаб (наукоёмкий) маҳсулот бозорида Ўзбекистоннинг улуши ҳаддан ташқари озлигини айтиб ўтиш керак: турли ҳисоб-китобларга қараганда бу улуш 0,001 фоизга тенгдир. Технологиялар савдоси ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу соҳада инжиниринг хизматлари устунроқ бўлиб, патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг улуши жами экспорт ҳажмининг атиги 0,3 фоизини, импортнинг 0,7 фоизини ташкил этади.

